

Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хафталик газетаси

КАСАБА
УЮШМАЛАРИДА

«Ишонч» ва жамоатчи мухбирлар хабар қиладилар:

БОШ ВАЗИФА — ХАВФСИЗЛИК

● Ўзбекистон курилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика қўмитасинингplenуми бўлиб ўтди. Унда меҳнат хавфсизлигин таъминлаш юзасидан корхона ва хўжалик раҳбарларининг иши хамда касаба уюшмаларининг бу соҳадаги вазифалари мухокома килини.

Пленумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов нутк сўздади.

ЗОНАЛ СЕМИНАР

● САМАРҚАНДДА бўлиб ўтган касаба уюшмалари ходимларининг республика зонал семинарида «Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг фаолияти» мухокама этилди. Унда бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашлар манбаётларини химоялаш борасида ижтимоий ҳамкорлик, касаба уюшмаларининг конун лойихаларини таклиф килиш ташаббусидан фойдаланиш, касаба уюшмаларида меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш, ижтимоий сукурта ва меҳнаткашларни соғломлаштириш соҳасидаги янгиликларга доир масалалар ҳам кўриб чиқиди.

Семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг мувовини О. К. Адаманов нутк сўздади.

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

● ЎЗБЕКИСТОН курилиш, нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси билан «Ўзбекнефтегазстрой» курилиш монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолларини қўшма йигилиши бўлди. Унда тармок корхона ва ташкилотларида меҳнаткашлар учун иш шароитларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан жароҳатланишнинг олдини олиш юзасидан касаба уюшмалари ва хўжалик органларининг вазифалари караб чиқиди. Қўрилган масала юзасидан тегишини карор кабул килинди.

ТАЛАБА ВА БОЗОР

● ХАЛК таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси томонидан ўтказилган семинар бозор иқтисодиёти шароитида ўқитувчи ва талабаларни ижтимоий химоя килиши масаласига багишланди. Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг ёзги соғломлаштириш ва дам олиш мавсумини намунаидан ўтказиш бўйича рўй берадиган кийинчиликларни бартараф этишга доир бир катор таклиф ва мулоҳазалар ҳам мухокама килинди.

ОҚИН НОМИ БЕРИЛДИ

● ҚЎРҒОНТЕПА районидаги Ш. Рашидов номли боғдорчилик-узумчилик давлат хўжалигининг Ёртибош маҳалласидаги қариялар қўшини Қирғизистон Республикасининг Сузоқ кишилодига яшаб ўтган ажойиб оқин Барли Аликуловни яхши биладилар. Қирғиз халқининг суюкли оқини ижодининг гуллаб-яшнаган кезларда бу кишилока келиб тўйларга файз киритар эди. Қишлоқдаги 26-ўрта мактаб маврияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва педагогик жамоасининг қарори билан илмогча Барли Аликулов номи берилди.

МОДДИЙ ЁРДАМ

ТОШКЕНТ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси вилоят районларида бўлган кучли ёғингарчилик оқибатида рўй берган табиий оғатдан жабр кўрганларга моддий мадад кўрсатиш мақсадида режадан ташқари ишлаб тошилган маблаг ҳисобидан бир миллион сўм ажратди. Шунингдек, бирлашма янги уй-жойлар куриш учун зарур бўлган курилиш материалларини ташишда қатнашаётган транспорт воситаларини ёқилғи ва мойлаш материаллари билан керагича таъминлашни ўз зиммасига олди.



ДИҚҚАТ МАРҚАЗИДА — ТУРМУШ ТАРЗИ

ШУ йил июнь ойининг бошида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. Алламуродов Бухоро вилоятида бўлди. У вилоятнинг Вобкент, Пешку, Ромитан, Жондор, Коракўл, Бухоро ва

Олот районларида табиий оғат оқибатларини тугатиш бораётган ишлар билан танишиди. Бозор иқтисодиёти жарабенида дехкон ва чорвадорларнинг турмуш тарзи билан қизиқди.

Б. Алламуродов касаба уюшмалари вилоят кенгашида касаба уюшмаси фаоллари билан

Хабарлар магзи



● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И. А. Каримов «Эдвенс капитал сервис корпореши» Канада компаниясининг Президенти Роберт Полмини кабул килиди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Махкамаси Ш. Р. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш

ва уни ўтказиш ҳакида қарор қабул килиди.



● РОК кўшиқлари юлдузи Борис Гребеншинов Тольятти шаҳрига гастролга борганида концерт олдидан «Астро-Волга» компанияси унга жами 100 минг сўмлик сугурта қозони топширди. Сугуртанинг бири кўшиқчининг ўзномига, иккинчиси унинг гитарасига атаб расмийлаштирилган эди. Лекин

кўшиқчининг чарм камзулини олишмаган экан. Қараангеки, Гребеншинов саҳнада томошибинлар мафтуни килаётган пайтда унинг чарм камзулини ўмариб кетишибиди. Сугурта хужжатлари эса шу камзул чўнтағида эди.



● МАҲАЛЛИЙ археологлар Миср қадими обидаларининг шинавандаларини навбатдаги топилма

УСТОЗ ВА ШОГИРД

Қўқон локоматив депосида ўз касбини ардоқловчи, жамоадаги ҳар бир ишда ташаббускор илгорлар кўп. Айникса, йил якунидаги галвир сувдан кўтарилиган пайтда бундайларнинг ўрни деподаги жамоалар орасида кўзга ташланиб қолади. Улар бу шарафга йил давомида килинган тинимиз сиз меҳнатлари эвазига эришишлари ҳеч кимга сир эмас.

Деподаги мана шундай илгорлардан бири ўшларнинг севимли мураббийси, колония бошлиғи, машинист-йўрикчи Тожибой Мамажоновдир. Биргина ўтган йилнинг ўзида у раҳбарлик килаётган жамоа 60 тонна дизель ёқилғисини тежаб қолди. Тежамкорлик соҳасидаги бу йилги марра ундан ҳам юкори.

Бу даргоҳда Т. Мамажоновнинг ўзига муносиб, ишнинг кўзини биладиган шогирларни ҳам сероб. Тепловоз машинисти Афғонистонда байналмилад бурчини ўтаб қайтган Мухитдин Тиллабоев унинг идрокли шогирларидан биридир. Мухитдин аслида темирйўлчилар оиласида катта бўлган. Аммо ҳакиқий тепловоз машинисти билиши лозим бўлган касбга оид сирларни, улкан машинадаги кўплаб техника тилсимларни Тожибой акадан ўрганди. «Ҳарбий хизматдан сўнг бу ерга келиб янгиликларни эланман, — дейди ёш машинист Мухитдин гурур билан. — Тепловозни бошқариш ва бу касбга меҳр кўйиб колишимда устозим Тожибой акадининг меҳнати, ҳиссаси катта. Бу ёғига ҳамиша устозларим ишончи ни оқласам, дейман!»

А. ДАМИНОВ.

Суратда: тепловоз машинисти Мухитдин Тиллабоев (чапда) устози Тожибой Мамажонов билан.

Ш. АЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

учрашди. Уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. Алламуродов Бухоро вилоятида бўлган вактида унга вилоят хокими Д. Ёдгоров, касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Ш. Хайруллаев ўртоқлар ҳамроҳлик килдилар.

Билан хушнуд қилдилар. Нил дарёси дельтасидаги Заназил шаҳри яқинидаги улар соғ олтиндан ясалган ашёларнинг бутун бир хазинасини топишиди.

Вайрон бўлган қадими эҳром пойдевори остида 3 метр чукурликда топилган хазинада олтиндан ва кимматбахо тошлардан ясалган 120 ашё: узук, билакузук, бўйи 10—15 сантиметрлик ҳайкалчалар топилди. Олимларнинг фикрича, топилма Фиръави Рамзес VI хукмронлик қилган янги подшолик даврига тааллуқлини.



Мавлуданинг касби оддий. У Сурхондарё вилоятининг Ленин йўли районидаги Будённий номли давлат хўжалигига, карашли фермада соғувчи бўлиб ишлайди. Мактабни битиргач узок ўйлаб ўтирмай давлат хўжалиги фермасига ишга келган эди.

Шундан буён гоҳо кўнглига тез-тез оламни айланиб чикку-дек учқур хаёллар келса-да, барибир фермадан, кишлоғидан кўнгил узиб ҳеч қаерга кетолмаслигини ич-ичидан сезади. Бир ҳисобдан шуниси ҳам маъқул экан. Ахир унинг қарамоғида 18 бош сигир бор. Уларнинг барини ўзи парваришлайди, ҳар биридан 10 литрдан ошириб сут соғиб олади.

**Суратда: Мавлуда ҲОЛИКОВА.
Ж. БОБОРАҲМАТ олган сурат.**

БИТИМ ҲИМОЯЛАЙДИ

Бобур номли хўжалик ка-
саба уюшмаси аъзолари-
нинг умумий йиғилишида
мехнат битими қабул ки-
линди.

Унда ишчи-хизматчиларга бир қатор қулайликлар яратыш күзде тутилган. Жумладан, меңнат таътили олдинги 15—18 кун ўрнига 24 иш кунига узайтирилді. Махалла күміталари раисларiga ойига 350 сүмдан маош белгиланди. Дағн маросимларига хұжалик ҳисобидан 800 сүм, келин ва куёвларга 500 сүм пул берішади. Ўкувчилар бепул ўкув куроллари билан таъминланадилар. Бундан буён режадан ортиқ пахта Учқұрғон пахта заводига топшириләди, чигитдан чиккан ёғ ҳар бир оиласы 10—12 килограммдан бериләди ва қолгани бартер усулида бошқа махсулотларга алмаштирилиб ахолига арzon нархларда сотилади.

Жирии тақтада кийин ке чаклар, нозик дид билан тайёрланған кулолчилик махсулотлари күпчиликка манзур бўлмокда.

Трактор ремонти заводи маъмурияти ва касаба уюшмаси күмітаси бошқа корхоналар билан махсулот айирбошлини йўлга қўйиб, ишчиларни озиқ-овқат махсулотлари, камёб моллар билан таъминламокдалар. Кейинги ойлар давомида ишчиларга 6 тонна буғдой, 6 тонна картошка, 3 тонна мақарон махсулотлари, 2 тонна пахта мойи, 2 тоннага яқин гўшт, 700 банка гўшт консерваси, 8 та совутгич, 10 та рангли телевизор, 1500 дона чинни коса, 600 дона чойнак каби рўзгор буюмлари арзон

Мехнаткашларни социал химоялашда «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси ташкилоти ҳам ибратли ишларни амалга оширмокда. Касаба уюшмаси қўмитаси ва жамоа хўжалиги бошқаруви имзолаган битим асосида қишлоқларнинг 70 фойизига табиий газ келди, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди, янги болалар боғчалари курилди, қишлоқ йўллари тўла асфальтланди. Янги иш ўринлари ташкил этиш, меҳнатга кобилиятли қишиларни, айинка, уй бекаларини иш би-

лан таъминлаш чоралари күрилди. Бу ердаги цехда түкилган ранг-баранг, күзни

камаштирувчи атласлар, бе-
жиirim тикилган кийим-ке-
чаклар, нозик дид билан
тайёрланган кулолчилик маҳ-
сулотлари кўпчиликка ман-
зур бўлмокда.

Трактор ремонти заводи
маъмурияти ва касаба уюш-
маси қўмитаси бошка корхо-
налар билан маҳсулот айир-
бошлини йўлга кўйиб, иш-
чиларни озиқ-овқат маҳсу-
лотлари, камёб моллар би-
лаң таъминламокдалар.
Кейинги ойлар давомида иш-
чиларга 6 тонна буғдой, 6
тонна картошка, 3 тонна ма-
карон маҳсулотлари, 2 тонна
пахта мойи, 2 тоннага яқин
гўшт, 700 банка гўшт консер-
васи, 8 та совутгич, 10 та
рангли телевизор, 1500 дона
чинни коса, 600 дона чойнак
каби рўзгор буюллари арzon

Бундай ибратли ишларни Иномжон Набиев номли, «Москва», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари касаба уюшмаси кўмиталари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Кўрилаётган чоралар халқнинг ахволини аста яхшилашга ёрдам бермоқда. Хозир олма пиш, оғзимга туш, дейдиган замон эмас. Кимирлаган кир ошар, шу боис ҳаракатдан қолмайлик.

Тожиддин ИНОМХОНОВ,
Тўракўргон райони:

Тожиддин ИНОМХОНОВ,
Түракүрғон райони:

ЖАБР КҮРГАНЛАРГА

КЕТМА-КЕТ ёқкан сел ва дўл Андижон вилоятининг Кўрғонтепа, Жалолкудук, Пахтаобод, Избоскан районлари деҳконларига катта зарар етказди. Биргина Кўрғонтепа районида ўн бир минг гектар майдондаги пахта, уч минг гектардан зиёд майдондаги бошқа экинлар

зарарланди, 701 оила бошна-
насиз колди.

Күргөнтепаликларга бутун вилоят меңнаткашлари ёрдам бермокдалар. Шу күнларда далаларда үн минг нафардан ортиқ ёрдамчилар меңнат қылмокда. Юзга якын культиваторлы тракторлар ишлатылмокда. Ёрдамчиларнинг

ИШЛОВЧИ БОР – ИШ ЙҮК. НЕГА?

ИШСИЗЛИК. Биз үзоқ йиллар давомида ҳаётимиздаги бу ижтимоий иллатни яшириб келдик, унга оид маълумотларни «темир пардалар» ортига бекитдик. Айниқса, аҳолиси зич, экин майдони ҳисобли миңтақалардан саналган Фарғона водийсида аллақачонлар қалқиб чиққан бу муаммони үзоқлардаги «ноқоратупроқ» зоналар ёрдамида ҳал этишга умид боғладик. Хўш, бугунги кунда мазкур муаммо қай тариқа ҳал этилмоқда ва унга касаба уюшмалариning муносабати қандай? Жамоатчи мухбири-мизнинг дехқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти қўмитасининг раиси Фазлитдин Иброҳимов билан сұхбати шу мавзуда боради.

— Фазлитдин Иброҳимович, сизнингча ишсизликни келтириб чиқарган манбалар нимада?

— Ҳар жиҳатдан энг бой минтақалар қа торига кирувчи Ўзбекистонда ишсизликнин вужудга келиши узок йиллар «марказ»га тобелигимиз, Октябрь тўнтаришидан кейин нок хомашё етиштирувчи этиб белгиланган лигимиз оқибатидир. Биз асосан хомашё бунёд килдиқ, беҳисоб табиий бойликлари миз қазиб олинди-ю вагонларга ортиб жўнатила берди. Кишлоклардаги меҳнатга яроқли кишилар фактат ёки кўпроқ хомашё етиштирувчилик касб-хунари эгаси бўлиб қолдилар.

Техника тараккиёти үз-үзидан ишсизлик ни келтириб чиқаради. Ишсизлар сафи ҳар бий хизматдан қайтаётгандар, ўрта мактаб ларни битираётгандар ҳисобига тобора кў паймокда. Бу ҳол касаба уюшмаларини бе зовта қилмасдан кўймайди, албатта:

Бу ижтимоий иллатга барҳам бериш унинг олдини олиш мумкинми?—деган савол туғилиши мумкин. Ҳалқимизда излаган имкон топади, деган доно гап бор. Қаердаки касаба уюшмалари маъмуриятлар, маҳаллий ҳокимиятлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, бир ёқадан бош чикариб, фуқаро манфаатини кўзлаган ҳолда иш юритар экан, ўша ерда бу соҳада силжиш бўлиши лиги шубҳасиз. Сўзимнинг исботи учун битта мисол келтираман.

Норин районидаги аҳоли зич жойлашган кишлoқлардан бири Тўдадир. Бу ерда Шам сиддинов номидаги жамоа хўжалиги жойлашган. 8 мингдан ортиқ кишининг 966 нафаригина хўжалик ишлаб чиқаришига жалб этилган, холос. Нафакачилар, боғча ва мактаб ёшидагилар, уй бекаларини хисобла маганда ҳам 500 атрофида ишсиз мавжуд Армия хизматини эрта-индин тугаллаб уйга қайтадиган йигитларни улар қаторига кўшсангиз-чи?

Бундан ташқари, дала ишлари тобора механизациялашиб бормокда. Ўтган йили этиширилған ҳосилнинг 70 фоизи машиналар ёрдамида териб олинди. Пахта майдонларидан тортиб сабзавот пайкалларига ча оиласвий пудратчиларга бўлиб берила ётганлиги ҳам бекорчилар сафини кенгайтирмокда. Шундан сўнг касаба уюшмаси қўмитаси ва бошқарув ҳайъати гапни биржойга қўйиб ёрдамчи цех ташкил этишга қарор қилдилар. Дастрлаб иш бошлаган «Бинокор» кооперативига 50 киши аъзо бўлди. Кейин тандирчилик цехи очилди ва бу ерда 20 киши иш ўрнини топди. Шу тариқа кишлолқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган консервалаш, зигир ёғ тайёрлаш нонвойчилик, темирни қайта ишлаш, музқаймок, сув қофоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошка цехлар пайдо бўлди. Атлас цехининг очилиши эса бекор қолган 50 гаякин хотин-кизни иш билан таъминлаш имконини берди.

Уйчи районидаги Ленин номли жамоа хүжалиги касаба уюшмаси ташкилоти ҳамхўжалик бошқаруви билан ҳамкорликда бусоҳада хайрли ишлар қилмокда. Район вавилоят марказларидағи саноат корхоналари маъмуриятлари билан келишиб, уларни шохобчаларини ташкил этмоқдалар. Натижада уларда анчадан бери бёкор юрган кишилар ишга жойлашиб, рўзгор тебратиш имкониятига эга бўлишаяпти.

четда колмаяпти. Бошланғич ташкилотлар жойларда уй-жойларидан айрилганлар га шарт-шароитлар яратында фаол иштирок этмокдалар. Башқа районларда оғакибатларини тугатиш үчүн ёрдамлар уюштирилмокда — Ўзбекистоннинг Кора сув шахрида қардош Киргизистонлик кўплаб фукаролар меҳнат киладилар, дейди биз билан сұхбатда ка-

саба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгашининг раиси Махбуба Музаффарова.— Оиласи селдан зарап кўрган ана шундай кишиларнинг ўн нафарига 100 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Кўргонтепа районидаги «Савай» давлат хўжалигига жабрланган оиласарга олтмиш минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам бе-

Узекбай САКСОННЕОЕВ

Нұқтай назар

ТИЛ ЪРГАТИШ МАРКАЗИ ЗАРУР!

ЎЗБЕК тилига Давлат тили мақомининг берилishi ва республикамизнинг мустақиүл давлат деб эълон қилиниши тил ўргатиш муаммосига бошқача ёндошмоқ зарурлигини тақозо этмоқда.

Хозир ўзбек тилини ўргатиш юзасидан бир-бiri билан ўзаро бөллиқ бўлган икки мухим масала борлиги кўзга ташланяпти. Бу муаммоларнинг ҳал қилиниши «Ўзбек тили» фанини ўқитиши янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Аввало, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқитувчилари ўз малакаларини оширишлари учун шарт-шароитларга эга бўлишлари керак. Лекин малака ошириш маркази ҳалигача ташкил этилмаган. Бундан ташқари республикамизда ўқиш истагини билдириган хорижлик талабаларни ўзбек тилида ўқитиши ташкил этиш зарур. Хозирги даврда улар рус тилини ўргатувчи курсларни тамомлаб, шу тilda ўқишини давом эттираяпти. Чунки, ўзбек тилини ўргатувчи курслар йўқ.

Шарқ мамлакатларидан келиб билим олаётган ёшларга ўзбек тилини ўрганиш ҳар томонлама қулий бўлиши жеч кимга сир эмас. Утган ўқув йилида бу масалани қуийдан туриб ҳил қилишга хорижлик талабаларнинг ўзлари киришгандарининг гувоҳи бўлган эдик. Араб мамлакатларидан келган бир гурух талабалар дорилфунунимизнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» таҳсилгоҳи ўқитувчилари билан шартномалар тузган ҳолда тилимизни ўрганишга киришдилар.

Баъзан рус гуруҳларида мунозарадан чарчаб турганимизда ўзбек тилини ўзаро мулоқот орқали эгаллаган, рус тилида таълим оловчи эфиопиялик Мильян қўлини кўксига қўйиб салом бериб

ОЁҚ ОСТИДАГИ ХАЗИНА

ҲОЗИРГАЧА қилинган беҳад исрофгарчиллар, нобудгарчилларга эскича тартибининг ҳам бироз бўлсада айби бор. Чунки у бизни тайёрға айёр, атрофа бефарқ қилиб ўтириди. Кўпгина ҳолларда ўзимизга яратилган сунъий тўкин-сочинлик қаердан, кимлар ҳисобидан мухайё этилганинг тубига етмас эдик. Давлат ҳисобидан қилинаётган бир қадар хотамтойлик ва фамхўрликлар эвазига биз ҳаётнинг қадр-қимматини йўқотиб қўйдик. Ҳадсиз исрофгарчиллар, ҳисоб-китобсиз харажатлар бугун бизни оғир аҳволга солиб, боши берк кўчага киритиб қўйди.

Ҳалқда ҳисобини билмаган, ҳамёнидан айрилар, деган гап бор. Ҳамёнимиздан айрилиб қолаётганимиз нафақат ўзимизга, атрофдагиларга ҳам яққол намоён бўлиб бормоқда. Чидам, бардош билан бўлса-да, беҳисоб исрофгарчилларнинг ачич таъмини тортаяпмиз. Ҳали ҳам кеч эмас. Бу тангликдан бизни фақатина тадбиркорлик ва ишбилармонлик кутқаради. Мен исрофгарчилларнинг олдини олиш борасидаги ишбилармонликни назарда тутаяпман.

Кўча-қўйда юрганингизда оёқ остидаги қофоз ва металл парчаларига, шиша синицлари, майдашиша ва пластмасса идишчаларга кўзингиз тушади. Буларнинг барчаси бизни тежамкорлик борасида қанчалик нўноқ эканлигимизни кўрсатади.

Хўш, хозир сиз менга ҳар килограмм қофоз ёки металнинг қанча туришини айта оласизми? Албатта аниқ билмайсиз. Бозор иқтисоди шароитида ҳар килограмм металл 20—25 сўм туришини хаёлингизга ҳам келтирмаган бўлсангиз керак. Демак, уларнинг нархи аввалгидан 50—60 баравар кўтарилган бир шароитда нега унинг қадрига етмас эканмиз.

Эшитишмача, Америкада чиқадиган газеталарни сотиб олган га-

кириб келади. У билан она тилимизда сұхбатлашгач, ҳол-аҳвол сўрагач, албатта чарчогимиз ёзилиб, чеҳрамиз очилиб кетади. Бунинг учун техник олий билимгоҳларда ўқиш истагини билдириган хорижлик талабалар тил ўрганидиган марказ зарур. Бундай марказни Тошкент Давлат техника дорилфунуни қошида ташкил этиш мумкин. Чунки Тошкент Давлат техника дорилфунуни ўзи илмий базасининг катталиги билангина эмас, балки машғуллар ўтишда қўлланиладиган техник воситалар билан жиҳозланнишда ҳам бошқалардан алоҳида ажралиб туради. Бу ерда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бир нечта тил ўргатиш хоналари фаолият кўрсатмоқда. Иккинчидан, у хорижий мамлакатлар билан техникави янгиликларни кенг миқёсда алмашлаш, амалиётта тадбиқ этиш юзасидан шартномалар тузиш, мутахассислар ўқувини ташкил этиш ва бошқа масалалар юзасидан ҳамкорлик қилаётган йирик илмий даргоҳдир.

Хозирги пайтда унинг тасаррудида бир қанча кичик корхоналар ва бирлашмалар фаолият кўрсатмоқдаки, бу техник олий билимгоҳларда бунёдга келган янгиликларни буюртма бўйича амалиётта тадбиқ этиш имконини беради. Қолаверса, бозор иқтисодиётининг зарбалари остида оғир ҳолатни бошидан кечираётган техник олий билимгоҳлар учун ҳам, ўрта маҳсус ва ҳунар техника билим юртлари учун ҳам бу энг мақбул йўл ҳисобланади.

Лола МУМИНОВА,
Тошкент Архитектура Қурилиш олийгоҳи ўқитувчisi,
Музаффар ЖУРАЕВ,
Тошкент Давлат техника дорилфунуни ўқитувчisi.

зетхон уни ўқиб бўлгач, яна дўконга қайтариб топширса, шу газетанинг ярим қийматини олар экан. Яхши ўйлаб топилган усул. Биринчидан қоғоз нобудгарчилганинг олди олинади, иккинчидан уни келтириб топширган киши ҳам бундан манфаатдор бўлади. Қоғоз анқонинг уругига айланган бир даврда нега биз уларнинг тажрибасини қўлламаймиз.

Металл тўғрисида ҳам шу гап. Тижорат нарҳда уни жуда қимматга сотиб олаяпмиз. Атрофимизда эса қанчадан-қанча металл парчалари сочилиб ётибди. Сотиб оладиган металлимиз билан, кўча-қўйда сочилиб ётган металл парчасининг таркибида жеч қандай фарқ йўқ. Фақат уни йигиб, қайтадан ишлаш керак, холос. Бунинг учун эса қоғоз сингари металл парчаларини пулли қабул қилувчи пунктлар очиш даркор.

Айтишингиз мумкин, қоғоз ва металл парчалари йигиши аллақачон мактаб ўқувчилари зиммасига юклатилган деб. Тўғри. Улар бу ишни фақат кўнгилли равиша бажарадилар, жеч қандай манфаат кўрмайдилар. Шу сабаб бу ишни сидидилан бажармайдилар.

Бозор эшигидан кирдикми, барча ҳисоб-китобни бозор қонуниятлари асосида йўлга қўйишимиз даркор. Билакс, у тежамкорлик соҳасида ҳам бизга хизмат қилмоғи лозим. Биз турмуш ташвишлари билан бўлиб оғимиз остида ётган хазинани кўрмай қолаяпмиз. Бу хазинани тўплаш ва ундан фойдаланиш сизу бизнинг нечоғлик ҳаракатимизга боғлиқ. Қолаверса, ҳокимиёт ҳам бу борада аниқ тадбирлар белгилashi, бу ишга мумкин қадар тезроқ киришиб, кўз илғамас хазинанинг тўплаб олинишига бош кўшиши керак.

Суннат БЕШИМОВ,
Ромитан райони.

**Зенит-7° фирмали
Техно-савдо маркази**

ТАВСИЯ ЭТАДИ

ЖАЖЖИ КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН:

Хар бир кичкитой самокат ва велосипедда мазза килиб учишни орзу килади. Уларнинг бу орзуларни рўёба чиқариш максадида дўконимиз бир неча турдаги самокат ва велосипедларни савдога кўйди. Шунингдек, кичкитойлар учун бу ерда ўйинчоклар, митти тикув машинкаси ҳамда болалар аравачаси, каравот, коптоклар ҳам бор.

Болалар каравоти боғчалар ва болалар муассасаларига нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ХОНАДОН БЕКАЛАРИ УЧУН:

Мева ва сабзавотларни консервалашда аскотадиган асбоб ва ускуналар, това, электркималагич, электрсамовар, «Фея» кир ювиш машинаси, 2 хил турдаги «Тула» газ плиталари, 3 хил тикув машинкалари, «Циклон» чангютгичи, пишириклар тайёрлаш учун колип, кофени кайнатиш ва ичиш учун мўлжалланган идишлар, термос каби совғалардан беҳад мамнун бўладилар.

ДАДАЖОНЛАРИМИЗ УЧУН:

Доимо ҳўжалиқ юмушлари билан банд бўлувчи оталарнинг оғирини қисман бўлсада енгиллатиш мақсадида ошпичок, этикдўзлик пичоғи, маҳсус нарвон, бинокорликда ишлатиладиган чўмич, пайвандлаш випремителларни харид этиши ҳамда пармалаш, металл ва ёғочга ишлов берувчи дастгоҳлар, 3 хил «Аэлита» магнитолаларни тавсия килади.

Бу дастгоҳларни дўконимизга пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пулга олишингиз мумкин.

ОИЛА УЧУН:

«Сино», икки камерали «Донбасс», «Минск» совутгичлари, газета ва журнал учун хонтахта, телевизор учун айланма таглик, козонлар, гултувак турдаги осма тахталар, электрон сигнал курилмаси, телевизор учун «Олень» стабилизатори, турли хил ёритгичларни сотиб олишингиз мумкин.

КЕЛИНЛАР УЧУН:

Австриянинг машҳур фирмаларида тайёрланган ок, кизил, яшил, сиёхрангдаги, паст, баланд пошнали замонавий пойафзаллар тавсия этилади.

ТИББИЕТ ХОДИМЛАРИ УЧУН:

ЭТНС-1, ЭТНС-2 электронейростимуляторлари.

АВТОМОТОХАВАСКОРЛАР УЧУН:

«ВАЗ» ва «Москвич» автомобиллари автоприцеплари, «Восход» мотоцикл, «Муравей» моторолери эхтиёт кисмлари, «Восход», «ИЖ» двигателилари, автомобил ўриндиклари устига солиб қўйиладиган юмшок шолча, «ГАЗ-24» енгил автомашинасининг олдинги ўнг ва чап қанотлари, «Москвич» автомашинаси учун шовқин пасайтиргичлар комплекти, «Жигули» автомашиналарининг тяга, сцепление курилмаси, радиатор ва иситгич мавжуд.

ТУРИЗМ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН:

Монокуляр, дурбинлар, тунда кўришга мўлжалланган дурбин сафарда аскотади.

СПОРТ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН:

Саломатликларни мустаҳкамлаш, жисмонан бакувват бўлишларида дўконимизда сотилётган харилар, чамбарак, укалаш воситалари, велопринтерлар, спорт-ўйин тўплами ва бошқа анжомлар кўмакдош бўлади.

ФОТОХАВАСКОРЛАР УЧУН:

«Любитель» ҳамда бир неча турдаги «Эликон» фотоаппаратлари, фотообъектив, фотоконструкторлар, фотосурат чиқариш учун зарур ашёлар, тасвири катталаштириш курилмаси, диапроектор ва кинопроекторларни доимо дўконимиздан топишингиз мумкин.

ДАЛА-ХОВЛИ СОҲИБЛАРИ УЧУН:

Культтиватор, мотокультиватор, пуркагичлар тавсия этилади.

Бундан ташкири дўконимизда тикув, тўкув, кир ювиш машинкалари, чанг ютгичларни, совутгичлар, фотоаппаратлар кафолатли ҳамда пуллук ремонт қилинади. Харид қилинган маҳсулотларни харидор хоҳишига биноан уйларига элтиб берилади.

Дўконимиздаги барча маҳсулотлар биржа ёхуд савдо уйлари орқали эмас, балки бевосита ишлаб чиқариш корхоналаридан олиб келинади. Шу сабабли ҳам уларнинг нархи баъзи савдо шахобчалидагига нисбатан арzon.

ДЎКОНИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Иш соатларимиз: соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш куни — якшиби.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 10-йи. Метронинг «Ойбек» бекати.

Октябрь бозори, метронинг «Чор-су» бекати.

1. МУСАХОН АКА ХАҚИДА

У ИШЛАГАН КУВА мебель комбинатининг довруғини күп эшитгандим. Кува анонрик мебелчилари хам күпчиликнинг оғзига тушган. Бунда 25 йил ўша корхонага раҳбарлик килган тадбиркор ва ишбилиармон Мусахон ака Уликовнинг хам ҳиссаси катта эди. Корхонанинг чиройли, бежири мебеллари куваликлар ва республика миз ахлинигина эмас, катор күшни республикалар ҳонадонларига, хатто аффонистонликлар уйларига хам етиб борган эди. Бу ерда Болтиқбўйи республикаларида мебелсозларнинг илғор тажрибалари ўйлга кўйилганди.

Мусахон ака комбинатни ташкил этган, кенгайтирган ва ривожлантирган киши. Ахир 1967 йилда корхона Андижон мебель фабрикасининг филиалидан алоҳида ажралиб чикканида унда бор-йўғи 18 ишчи ишлар ва йилинг 500 минг сўмлик махсулот ишлаб чиқариларди. Кейинчалик ишчилар сони 1200 нафарга, махсулот ишлаб чиқариш эса 18 миллион сўмга етказилди. 10 турдаги мебеллар яратилди.

Биз бу кўрсаткичларни айтиб кимидир мактамоқчи, кўкларга кўтармокчи эмасмиз. Зеро ҳозирги мавзумиз хам Кува мебель фабрикаси хакида эмас. Аммо бир нарсани — ўша ракам ва кўрсаткичлар, ютуклар ортида инсонлар, Кува мебель комбинати ишчилари, уларга бош бўлгайт Мусахон ака Уликов ва унинг 25 йиллик меҳнати тураган эди.

Уч-тўрт йил бурун республикаизда юз бергандай кўр-кўронада ишдан олишлар, «кама-кама»лар Мусахон акани хам четлаб ўтмади... Маълум вакт у ўзи меҳр кўйган, оёқка турғазган жонажон ишхонаси билан, ишчилари билан бирга бўлолмади... 1990 йилда эса кўп жойларда янги раҳбарлар иш бошлаган эди. У хеч кимга халал бериши истамади.

2. АКБАРОБОДДА ХАМ МЕБЕЛЬ КОМБИНАТИ ОЧИЛИБДИ...

АКБАРОБОД хам Кува районида. Бир районда иккита алоҳида мебель комбинати борлиги кўпларга ғалати тулади.

1990 йилда Мусахон ака Акбарободга кўп қатнаб килди. Кўплар уни кўриб энди ишламаса керак, ахир бир нарсага эътиқод кўйган одам охирида эъзоз топмаса, барча нарсадан кўнгли қолади-да, дейишганди. У бўлса кишиларни ташландик жарликлари даги тиканзорларни, бир вактлар кабристон бўлган, энди эса қаровсиз, ташландик холга келиб колган жойларни зиндан кузатар эди. Сал ўтмайди ўша ерда кичкина кесакдевор кулба — коровулхона пайдо бўлди. Кейин эса нарироқдаги магазиннинг тош омборини Мусахон ака сотиб олиди, деган гаплар чиқди. Сўнг «Акбарободда Мусахон ака кичик корхона очибди, эмишки, бу корхона хам мебель ишлаб чиқарар экан» деган гаплар оғиздан-оғизга кўчиб юрди. Иш излаб келгандар бу гапларнинг чинлигига ишонди. Аммо ҳозирги кундаги такчиллик даврида бу ишни ўйлга кўйиб бўлармикан, деб кўпчилик хайрон эди.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Мамарасул чўпон фарзанди эди. Ешлиги Хўжанпок төғ этакларида ўтган. Отасининг ёнида жуда кўп бўлгани ёди. Ўша йиллари хайдовчилар Мамарасулларнинг овулуга ҳар хил юклар олиб келишарди.

Кунлардан биррида иккимашинада ем-ҳашак олиб келишиди. Лекин ўтовга якин колганда иккалори хам бирин-кетин ботиб килди. Нима килиш керак? Отаси туяларни олиб келиб, аркон билан машинани тортиди. Машина бир силкиниб жойидан силжиди. Болаларнинг қувончи чексиз эди. Мамарасул хайдовчи тезрок ўтовга кириб, отаси билан

Хуллас, 5 апрелда кичик корхонага биринчи ишчилар қабул қилинди. Бир томондан булдозерлар ишга тушиб жарликларни текислай бошлади. Бир томондан қурувчилар иш бошлашиди. Августга келиб кичик корхонанинг илк махсулоти — каравот ишлаб чиқариш ўйлга кўйилди. Кейинчалик келин-куёвлар учун юмшок диванлар, 2 кишилик «Сайёра» типидаги диван комплекслари, «Омад» деб номланган юмшок мебеллар, финляндияликлар билан хамкорликда «Дўстлик» деб номланган диван-каравотларни ишлаб чиқариш ўйлга кўйилди. Ишчилар 100 сўмдан 3000 сўмга етказиб ойлик ола бошлашиди. Мусахон ака таклиф этган 2—3 махир мебелчи усталар кўлида 122 одам мебелчиллик касб сирларини ўрганди. Тез орада бу ердаги ишчилар сони 170 нафарга етди. Финляндиянинг донгдор «Асикула» фирмаси билан алоқа ўрнатилди. Улар Акбаробод мебелчиларига замонавий технологияга мосланган аппаратларни етказиб беришадиган бўлишиди. Акбарободликлар иккиси бор Финляндиянга боришиди, иккиси бор «Асикула» фирмаси

корхонамизда бичувчилик, юмшок мебелларни коплаш, дастгохларни тайёрлаш цехлари унумли ишлаб туриди. Ахмадшо Абдурашидов сингари ишнинг кўзини биладиган махир устамиз, ёшларга хунар таълимими берувчи Мансуржон Абдуназаров, Махамаджон Кимсанов сингари мебелсозларимиз бор. Ҳозирданок 3—4 хил махсулот ишлаб чиқариш ёшларнинг кўли келиб қолди. Ишчилар 100 сўмдан 3000 сўмга етказиб ойлик ола бошлашиди. Мусахон ака таклиф этган 2—3 махир мебелчи усталар кўлида 122 одам мебелчиллик касб сирларини ўрганди. Тез орада бу ердаги ишчилар сони 170 нафарга етди. Финляндиянинг донгдор «Асикула» фирмаси билан алоқа ўрнатилди. Улар Акбаробод мебелчиларига замонавий технологияга мосланган аппаратларни етказиб беришадиган бўлишиди. Акбарободликлар иккиси бор Финляндиянга боришиди, иккиси бор «Асикула» фирмаси

Энг сифатли мебеллар уларни. Шунинг учун биз тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш мақсадида Финляндиянинг «Асикула» фирмаси билан шартнома тузганимиз.

Лекин биз бир неча бор район, вилоят раҳбарлари хузурида бўлиб маъкулланган ўзаро контрактларимиз асосида улардан оладиган асбоб-ускуналаримизни ҳамон ололмаямиз. Чунки боя айтганимдай бюрократик тўсиклар бор. Ана шу усуналар келтирилиб, Акбаробод мебель фабрикасига ўрнатилса, Ўзбекистонда ҳам олий даражали мебеллар ишлаб чиқариши йўлга кўйиш мумкин. Бизнинг мақсадимиз шу.

Чет элдаги мебелсоз ишчилар ҳақида нима дея оласиз? Биздаги ишчилар билан улардагиларнинг фарқи нимада?

Мисол учун Финляндияда мебель соҳасида ишловчи бир ишчи ойига 3.000 доллар маош олади. Унинг ойдавомидаги ҳаражатлари учун бу пулнинг 50—60 фоизи сарфланади, колгани ўзига фонд бўлиб колаверади. Шунинг учун уларда ўз ишига қизикиш яхши. Биздаци, олган ойликлар у ойдан бунигиса аранг етади. Айнича, ҳозирги бозор иктисоли шароитида етади ҳам деб бўлмайди. Шунинг учун ишга муносабат ҳам шунга яратша-да. Биз маошлар масаласида ҳам секин-аста илғор усувларни қўллашмиз. Бизда ҳам ойига 3.000 сўмга етказиб маош олаётгандар бор. Лекин бизнинг пулни кадрини ҳозир ўзингиз биласиз...

Ҳар кандай кичик корхонанинг ҳам ўзига яраша «дарди» — муаммоли бўлади. Сизни кўпроқ нималар ташвишга солади?

Ҳа, ўз номи билан корхонамиз кичик корхона, аммо мақсадларимиз катта. Ахир шу кунларда қаерга борманг одамлар мебель етишмаслигидан гапиришади, хатто не-не орзу-умид билан оила қуришадиган келин-куёвлар ҳам конуний мебелларини олиш учун ойлаб навбат кутияпти. Шунинг учун биз республикадаги бу соҳа мутасаддиларига ўтган йили 5 миллионлик мебель ишлаб чиқарамиз десак, бизга 2 миллиён учун режа берилди. Биз барибири уни 3,5 миллион қилиб бажардик. Бу йил эса 10 миллион сўрасак, 1,9 миллионга руҳсат берилди. Мана энди мантини ўзингиз чиқарип олаверинг...

Буни қаранг, Вазирлик бизга бирор нарса бермайди, буниси ҳам майли-ю, хатто планни ҳам раво кўришмаяпти. Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам Вазирлик бизнинг муаммоларни ечишга бирор марта арашади. Лекин шундай сўмлик ҳам боз бу йил 15 миллион сўмлик махсулот етказмокчимиз. Биринчи кварталнинг ўзида 4,5 миллион сўмлик режани ўринлатдик, бу бизга берилгандан режанинг 250 фоиз килиб бажарилганини билдиради. Бу йил қўшни Тошлок районида ўз филиалимизни очмокчимиз.

Кайтар эканман, кичик корхона очиб эл-юртнинг катта ташвишлари билан юрган Мусахон ака ва акбарободлик мебелчиларга чин дилдан омадиладим.

Адҳам ДАМИНОВ,
«Ишончнинг маҳсус мухбири»

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ТАШВИШЛАРИ

си бошлиқлари Акбарободга келиб кетишиди. Шу тарика ишлар юришиб кетди.

3. КАДРЛАР БЎЛИМИ БОШЛИГИ ИНОБАТХОН ХОЖИАҲМЕДОВА НИМА ДЕЙДИ?

— КИЧИК корхонамиз ўрнашган бу жойлар киши ўтолмайдиган чакалакзор эди. Биз бу ерда мебель комбинати куриб уни гулестонга айлантиряпмиз, десам, хатто бўлмас. Ҳозир биз жуда масъулиятли даврни бошдан кечиряпмиз: бир томонда махсулот чиқаряпмиз, иккинчи томонда куришиш кетяпти. Ишчиларимиз учун курилаётган ошхона битай деб қолди. Яна газлаштириш ишларини олиб боряпмиз. Ҳаммасига вактида улгуриш керак. Маблағ топиш қийин. Лекин раҳбарнимиз Мусахон ака уддабурон, ҳозирги давр талабига жавоб берадиган — ишбилиармон киши. Ахир мебелчилик соҳасида 25 йиллик тажрибаси бор-да. Қолаверса, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мебелчи», Кува номини республикага танитган киши. Материалларни Россия вилоятларидан «бартер» эвазига олиб турибмиз. Биз уларга Фарғонанинг шириншакар меварадаридан, сабзавотларидан, шарбатларидан, тузламаларидан юборамиз, улар эса бизга керакли таҳта, фанер, ДВП, ДСПларни жўнатишиди.

шунасиз?

— Очири, ҳамманинг оғзида шутап. Лекин бу гапни оғзида кўймай елиб-югуриб ўрганларнинг кўпига мен ишонмайман. Улар бозор икти sodiётiga ўтишдаги қийин кунлардан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишмокда, ўмарувчиларга, ўғриларга ёрдам беришапти. Районларга аҳоли учун келган товарлар ҳалққа етиб келмаяпти. Мисол учун замона зайлар билан жамоа ҳўжаликларида «коммерция ишлари бўйича ўринбосар» штати очилди, бу ишда ишлаётгандар Россияга бориб ҳўжалик номидан ёғоч олиб келади, аммо уни вагони билан чайковчига сотади, ҳалққа эмас. Ҳалқ эса чайковчидан ўша таҳтани «палон пулга» олади. Бояги «коммерсант» эса ўз чўнтағидан бошқасини ўйламайди.

Яна бир мисол: ҳўжаликлар ўзлари етиштирган пахтанинг 5 фоизини эркин сотади дейилди-ю, амалда пахта сотишнинг ҳамма йўллари ҳўжаликлар учун беркитиб ташланди. Буни ўзи бир мавзу. Ахир ўзингиз ўланг, булиларни ўтганда кимини ишбилиармонлик?

Финляндияга кетиш учун бир ҳўжалик бошлигининг паспортига Тошкентга 5 марта катнадим. Ҳар гал килдан қийин топишади. Ҳамон кўп жойларда эскичасига ишлеш, бюро-кратик тўсиклар мавжуд...

— Финлар билан ҳамкорликнинг боиси нимада?


— Дунёда мебель ишлаб чиқариш соҳаси бўйича уларга етадигани йўқ...

ишлай бошлади. Сув ҳўжалигига карашли бу автокорхона ҳайдовчиларининг иши анча оғир эди. Сурхон воҳасида сув олтиндек азиз. Аму-Занг канали курилиши сув муаммосини ҳал этишда муҳим роль ўйнади. Ҳалол меҳнати билан намуна бўлган Мамарасулни ҳайдовчилар бу ерда ўзларига бригадир этиб сайдилар. Бир неча йилдирки Мамарасул Маматалиев эллика якин ҳайдовчига раҳбарлик килиб келаяпти.

— Аму-Занг каналида иш учменида ташкил этилган, — дейди биз билан сұхбатда автокорхона директори Чори Давлатов. — У ерда Мамарасул аканинг шоғирдлари Шавкат Менгбоев, Тилов-мурод Жўракулов, Раҳим Ҳамроев-

лар устоздан ортда колмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Автокорхона аъзолари ўтган йили режада кўзда тутилган 650 минг сўм ўрнига, 912 минг сўм даромад килдилар. 1 миллион 920 минг тонна ўрнига 3 миллион тонна юкларни ташиб бердилар. Ҳар бир ҳайдовчи ўрта хисобда 14707 сўмлик иш бажарди. Автокорхона ҳайдовчилари ўз кучлари билан стадион, сауна ҳаммоми, ошхона, лимонарий куриб олишиди. Мамарасул аканинг ҳам бу ҳайдовчиларни ташкил этишда муносаб хиссаси бор. Бундай кишилар билан корхона аҳли ҳамниша фаҳрланади.

Насриддин ИСМОИЛОВ,
Сурхондарё вилояти.



БИЗДАН СУРАБСИЗ

Саволларга Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг маслаҳатчиси О. Заволунов жавоб беради.

???

Мен 1981 йилдан бери Косонсойдаги мактаблараро ҳунар ўрганиш (УПК) курсида тракторчилар тайёрлаш бўйича ўқувчиларга дарс бермоқдаман. б боланинг отасиман. Менга ҳам президентимизнинг ўқитувчиларга чиқарган Фармонидаги имтиёзлар, яъни газ, сув, электр энергиясидан пулсиз фойдаланиш ҳуқуқи тегишлими?

**Набижон АМОНОВ,
Наманган вилояти,
Косонсой райони.**

сусан, б ёшгача бўлган болалар учун — 400 сўм, б ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун — 440 сўм, 13 ёшдан ошган болалар учун эса — 530 сўм тўланади.

???

Шифохонада ишлайман. Касаба уюшмаси аъзоси сифатида ойлик аъзолик бадалларини ҳамиша ўз вақтида тўлаб келаман.

Айтинг-чи, ҳеч қаерда ишламайдиган онамнинг касаллиги туфайли санаторийда даволаниши учун ишхонамдан унга йўлланма олишим мумкини?

**Манзура АХМЕДОВА,
Навоий вилояти, Хатирчи райони.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг ўқитувчилари, ишлаб чиқаришни ўргатувчи усталари, раҳбарлари ўз педагоглик иш стажлари қанчалигидан қатъи назар, давлатга ва идорага қарашли уйлар ва квартиralарни бепул шахсий мулк қилиб олиш, квартира ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу Фармонга кўра Сиз ҳам мазкур ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлисиз.

???

Онам Данабоева Зеважон 1929 йилда туғилган, 10 фарзандни вояга етказган, «қаҳрамон она» унвонига эга, II гурӯҳ меҳнат ногирони. Ҳозирги кунда онам қанча нафақа олишга ҳақли?

Менинг ўзим давлат ҳўжалигига бош ҳисобчи бўлиб ишлар эдим. Иккита фарзандим бор. Кичик ўғлим Отабек (1990 йил) бир ёшга тўлганда врачларнинг айби билан юролмай қолди. Ҳозирда ишламай у билан ўйда ўтирибман. Ўғлимга ҳар ойда 80 сўм пул оламан. Айтинг-чи, менга ҳам бирон бир имтиёз борми?

**Мухтарам ТЎЙЧИЕВА,
Сирдарё вилояти, Ховос райони,
Мичурин номли давлат ҳўжалиги.**

«Санаторийлар, даволаш пансионатлари ва дам олиш муассасаларига йўлланмаларни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва бериш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага мувофиқ, касаба уюшмаси ташкилотлари меҳнаткашларга даволаниш ва дам олиш учун йўлланмаларни фақат уларнинг иш жойларидан беради.

Агар ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаролар йўлланма олишни истасалар, улар Ўзбекистон курортлар кенгашига мурожаат қилишлари зарур. «Ўзкурорткенгаш» йўлланмаларни фақат нақд пулга сотади.

ТИЖОРАТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

???

Тошкентда иқтисод дорилфунунига тайёрлаб, йўлланма берадиган маҳсус лицей борми? Агарда бор бўлса, у қаерда жойлашган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Аваҳон ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳри, Акмал Икромов
райони, Қурилиш кўчаси 55
хонадон.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 26 марта даги «Пенсиялар, стипендиялар ва бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ II гурӯҳ меҳнат ногиронлари учун пенсия-миқдори 550 сўм қилиб белгиланган, бундан ташқари шу пенсияга оиласининг меҳнат қилишга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси ва ишламайдиган II гурӯҳ ногиронлари учун 275 сўм қўшиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархлар ислоҳ этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахолисини социал ҳимоялаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ишламайдиган аёлларга фақат болалар учун нафақа тўланади. Бу нафақа миқдори 80 сўм қилиб белгиланган.

Бундан ташқари, болалар моллари ва мактаб кийимлари қимматлашиши муносабати билан оиласалардаги болалар ва ўқувчи ёшлар учун товои пули тўловлари белгиланган. Ху-

шбу саволга Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Ўқтам Рашидов жавоб беради.

Ҳақиқатан ҳам дорилфунунимиз қошида ана шундай лицей очилган. Ушбу лицейга 9-синфи битирган ўқувчилар маҳсус танлов асосида қабул қилинади. Лицейда компьютер техникаси ва чет тилларидан бирортаси мукаммал ўргатилади. Шу билан бир қаторда ўқувчилар 10—11 синф материалларини ҳам ўзлаштирадилар. Энг муҳим, иқтисод фани ва унинг ўйналишлари ҳақида ўқувчиларга алоҳида дарслар ўтилади. Лицей ўртача 30—40 кишидан иборат билимли, иқтидорли ёшларни қабул қилади. Лицейнинг манзилгоҳи қўйидагича: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49 уй.

Лицейимиз иқтисодчи бўлиш истагида юрган, чет тилларидан бирини атрофлича билган ва математикадан иқтидорли ўқувчи ёшларга мунтазир.

???

5-фарзандим тугилиши муносабати билан иш жойимдан ҳомиладорлик ва тугиш варақасига асосан 1991 йил 13 деқабрдан 1992 йилнинг 16 апрелигача таътилга чиқдим. Бир йўла ҳомиладорлик ва тугиш варақасига ҳақ тўлашда менга охирги 2 ойлик маошим, яъни 1991 йилнинг 10—11 ойлари юзасидан ҳисоблаб берилди.

Лекин 1992 йил январь ва март ойларидан маошларимиз 2—2,5 баробар оширилди. Шу муносабат билан менга эскича ҳисоблаб берилган ҳомиладорлик ва тугиш нафақасига қўшимча берилиши қонунда кўзда тутилганми?

**Муҳаббат АХМЕДОВА,
Самарқанд вилояти, Оқдарё
райони, Лойиш қўргони,
Зарафшон кўчаси 7 уй.**

Ушбу саволга муҳбиримиз ҳуқуқшунос X. ПИРИМҚУЛОВДАН қуидаги жавобни олди.

«Давлат социал сұғуртаси бўйича нафақалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 77-бандига кўра, агар иш ҳақи вақтинча ишга лаёқатсизлик ёки ҳомиладорлик ва тугиш таътили даврида ўзгарган бўлса, нафақа тайинланадётганда бу ҳисобга олинмайди».

Қонунчиликнинг бу моддаси сиздаги ҳолатга ҳам тааллуқлидир. Чунки иш ҳақидаги ўзарип сиз ҳомиладорлик ва тугиш таътилида бўлган даврингизда юз берган, шунинг учун тўланаётган нафақа миқдори қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

???

Оиласада 9 ўғилмиз. Онамиз пенсияда, отамиз 59 ёшдалар, шу йилнинг декабрида нафақага чиқадилар. Оиласиздаги б ўғил ҳарбий хизмат бурчини согомон бажариб қайтишган. Биримиз педагогика олийгоҳини тутатиб, қишлоқ мактабида ўқитувчи бўлиб ишлагани учун «Давлат қонунига асосан» хизматга олинмай ҳарбий билет олганмиз, яна биримиз эса ҳарбий хизматга яроқсизлиги учун хизматга бормаган.

Президентимизнинг оиласалардаги кенжадар хизматлар хизматга олинмасин, деған Фармони бор эди. Шунга асосан, бизнинг оиласадаги энг кенжадар 9-ўғилни хизматга олғышга ҳарбий комиссариат ҳақлими ёки йўқми?

**А.Турсунов,
Самарқанд вилояти,
Каттақўргон райони,
Телман номли
жамоа ҳўжалиги.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 18 апрелдаги Қуролли кучлар сафидан, чегара ва ички ҳарбийлардан ўрнатилган муддатни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш ва фуқароларни навбатдаги ҳақиқий ҳамда альтернатив хизматга чақириш ҳақидаги қарорини 4-бандида кўрсатилишича, оиласининг кичик ўғлини, агар шу оиласининг катта үғиллари ҳақиқий хизматни ўтаб бўлган ёки ўтаётган бўлсалар (ёки қонўний асосда ўташдан озод этилган бўлсалар) ҳарбий хизматга чақирмасдан захирага чиқариш ҳуқуқи чақириув комиссияларига берилган.



Kүпайиб бораётган ўғрилик ва талончиликка ғов солиш мумкинми?

Товук ўғриси. Рости, урушдан кейинги очу юпун замонларда туғилиб ўсган бұлсақда, ўғриликкінг бу «майды» хили ҳақида ҳатто қышлоқларда ҳам шытмаганман. Борді-ю, фалончи товук ўғирлабди, дейішса қандай пасткашлик, дея одамларнинг кулиши аниқ эди. Не ажабки, коинот аспи, атом аспи, деб улуғлаганимиз — йигирманчи аспр поёнида ана шу «майды» ўғриларларга ҳам дуч келиб турибмиз. Аслида киши мулкига күз олайтиришнинг «майды» ҳам, «йириги» ҳам — пасткашлик.

Қадимий Самарқанднинг янги микрорайондаги күпқаватлы уйлардан бирида туралын. Замона зайлары қарангы, кейинги бир-иккى йилда құшнайлардан айримлары бамисоли асалары уасига үхаша ана шу жамоат биноларыда ҳам товук боқиши киришиши. Гап шундаки, уйимиздан сал нарида ариқ лабидаги ялангликка одамлар қатор қилип металл гаражлар қуриб олишган. Подъездимизда бечорақол яшайдыган касалманд, иккінчи гурух ногирони металл гараж сотиб олишга курбы етмасдан чекикар «үйчы» деган ғояни сингдирамиз деб илдизи үтмиш қаърига сингиб келген маъна-

хұлатадыган дори ҳидлатган, деган тахминлар ҳам бор.

Кейин-чи? Бу ҳақда милицияга хабар қилинди. Аммо, кейинроқ күтілмағанда ўғрининг изига қарияннинг үзи дүч келиби. Яғни түрт-беш күн ўтқач пешин маҳали сим түр девордан ошиб тушиб, қолған товукларни құвлаб юрган иккى ўспириинн тутуби олишиби. Ортидан ота-оналары излаб келишиби. Аввалига ўн олтта товукни ҳам ўн түрт-үн беш ёшлардаги шу иккала ўспириин ўмарганини тан олишган. Лекин ортида улардан фойдаланған каталар бор экан.

Кундалик турмушимизда зохир бўлған бу ноҳуш ҳодисалар кишини ўға толдиради. Бу ниманинг оқибати? Иқтисодийтади қийинчиликкінг миёнки маънавий таназзулнинг? Менимча, кўпроқ маънавий инқизорзинг. Етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурған даҳрийлар ҳуқмронлиги даврида «худо йўқ» деган ғояни сингдирамиз деб илдизи үтмиш қаърига сингиб келген маъна-



ТОВУК ЎГРИСИ

вий қадриятларимизни тепкиладик. Натижада одамлар ҳеч нарсага ишонмай қўйишиди.

Хозирги вазиятда ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан милиция ҳам бу ишларнинг олдини олишда ожизлик қилаяпти. Ўғрилик ва талончиликка қарши курашда милициянинг бирор натижага эришажагига шубҳа туғилаяпти. Шу боисдан ногирон қўшнимиз товукларни ўғри урганлиги ҳақида милиция бўлимига хабар берини лозим топмади. Уруш фахрийси эса гарчи бу ҳақда милицияга хабар қўлган бўлсада, наф кўргани йўқ, ўғрини үзи топди. Еки бир подъездда турадиган талаба йигитнинг гараж қўлфани бузиб, янгигина мотоциклини ўғирлаб кетишганида ички хизмат ходимлари келишиби. Воеа содир бўлған жойни ўрганишиб, суратга олишиб, вассалом.

Мотоциклни эса йигитнинг үзи қарийиб уч ойлардан сўнг бозордан топди. Бошқа рангга бўяб олишган экан. Лекин йигит бензин бакининг кўчган еридан ва шу каби бошқа белгиларидан молини таниби. Хозир мазкур иш ўрганилаяпти. Бозорда мотоцикл сотганлар эса ўғриликка алоқадорлигини рад этиб, уни бошқа бирордан сотиб олишганини айтишиби. Талаба йигитнинг сабр-тоқати, эринмаганига балли. Ахир, у қарийиб уч ой мобайнинда ҳар якшанба каллаи саҳарлаб, анча йўл босиб, шаҳар четидаги машина бозорига қатнаган. Умидини узмаган. Бунинг боисини сўрадим.

— Милиция ҳам текшираётвиди, ҷоғи?

— Кўраяпсизку, милициянинг ахволини.

Кўраяпсиз, ён-атрофда қанча ўғрилик содир этилган бўлса, милиция ходимлари улардан бирортасини очишомлади. Жумладан, консерва корхонасиннинг ишчиси бир ғунажин, бир тана-икки бош қорамолини мол бозоридан топиб келди. Ҷақириқ асосида келган милиционерлар эса, гаражда мол боқишига ким рухсат берди, деб жабрланувчига пўписа қилишиби. Ўйига ўғри тушган магазинчи кийим-кечак ва магнитофон каби йўқолган нарсаларининг бир қисмини воситачилик дўконидан топди. Гаражи бузилиб, «Жигули»-сининг тўрттағи филдирагидан ажраган прокуратура ҳодими эса бу ҳақда бирорга оғиз очмади, таниш чайқовидан тўрттағи филдиракни фалон сўмга сотиб олдию, ҳеч нарса кўрмандай машинасини физиллатаверди. Итининг феъли эгасига маълум, деганларидек, бу соҳадаги ахвол унга кундай равшанда. Шу боисдан ҳам милицияга хабар бериб, овора бўлишни ўзига эп кўрмаган.

Юзага келган ахвол жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Хусусан, муҳарририятимизга, унинг вилоятдаги муҳбирлар марказига бир неча марта кел-

надонга келиб ўрадиган танишларидан экан. Битта видеомагнитофонни олиб кетиш учун одам ўлдиришса-я.

Ўғрилик ва талончиликкінг кўпайиши бу турдаги жиноятларга енгил жазо берилаетганида, деган қатъий фикр қарор топмоқда. Юқорида тилга олинган ишчи йигитнинг иккى бош қорамолини ўғирлаганларга район суди атиги иккى йил мажбурий хизмат бериш билан кифояланганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ерда гап қозининг кўнгилчанлигига ёки нохолислигида эмас, балки қонунларимизнинг юмшоқлигига. Амалдаги жиноят қонунида ўғрилик учун уч йилгача озодликдан маҳрум этиши ёки иккى йил мажбурий хизмат ёхуд уч юз сўмдан минг сўмгача жарима солиш кўзда тутилган. Ўғрилик тақрорий равиша ёки гурух бўлиб амалга оширилса 3 йилдан 6 йилгача озодликдан маҳрум этилади. Талончилик учун 5 йилгача озодликдан маҳрум этиши ёки 1—2 йилгача мажбурий хизмат кўзда тутилган. Ана шу жиноят тақрор ва гурух томонидан зўравонлик, хавфли тан жароҳати орқали амалга оширилса 5—8 йилгача озодликдан маҳрум этиши кўрсатилган. Ҳам иқтисодий, ҳам маънавий инқизорзини бошдан кечираётган ҳозирги шароитда бу жазо чоралари юмшоқлиги туфайли самара бермаяти.

Масалан, кўпчиликкінг фикрича, шу йил февраль ойида республика Олий Кенгаши автомашина ўғриларига нисбатан жазони кучайтиргани туфайли тез орада ижобий натижага кўзга ташланаяти. Ҳозир машина ўғриларига 10 йилдан 15 йилгача қамоқ жазоси белгиланиб, мол-мулки мусодара этилади.

Асосан, Оврўпадан, хусусан Россия қонун мажмуаларидан жузъий ўзгаришлар билан таржима қилинган амалдаги қонунларимиз кутилганидек самара бермайтигани туфайли юртдошларимиз жиноят қонунларини миллийлаштиришни таклиф қилишяти.

Фуқароларини жиноятчилардан ҳимоя эта олмаган давлат ҳокимиятининг обрўси бўлмайди. Шунинг учун бу соҳада таъсирчан чора-тадбирлар қўлланилиши керак. Касаба ўюшмада Мирза Ҳайитов аҳолини жиноятчилардан ҳимоя қилишда касаба ўюшмалари ҳам фаол бос қўшиши керак, деб ҳисоблайди. Ўғрилик ва талончилик ортиши туфайли юзага келган вазиятни у ўзи раҳбарлик қилаётган қурувчилар касаба ўюшмалари вилоят қўмитасининг ҳайъат йиғилиши муҳокамасига қўйди. Қабул қилинган қарор асосида мазкур масалани республика Олий Кенгашининг яқин муддатдаги сессияси кун тартибиға киритиши сўраб, Тошкентга шошилинчома жўнатди. Ҳа, мазкур долзарб масала республика Олий ҳокимият органи муҳокамасига қўйилмоғи керак. Жойларда мазкур талабномага имзо тўпланаяти. Ўғрилик ва талончиликкінг пайини қирқишига қаратилган бу саъхаракатларни мустақил республиканиг оддий бир фуқароси сифатида биз ҳам қўллаб-куватладик. Балки, сиз ҳам қувватларсиз?

Маҳмуд ЭРАЛИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ

СЕРТАШВИШ давримизнинг ҳар бир куни кишини ҳаяжонга солади, ўлантиради. Иккимой ва иқтисодий ҳимоя меҳнаткашларнинг бутун қатламларини қоплаб ололмаяти.

Маълумки, шахснинг камолга етиши аввало оиласда, шаклланади. Ҳалқимиз «Кўшиясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмаган. Инсон ҳеч қачон онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди, уни жиноятчи килиб аввало оила, кейин эса жамият «тарбиялади».

Балиқчи районида яшовчи балоғатга етмаган Нозимжон Кўчкоров ўқимай, бирор жой-

да ишламай, интернатда тарбияланыётган укаси Козимжон билан фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлашиб келган. Улар Чинобод қишлоғида З. Турғуновнинг «Верховина», X. Абдурашидовнинг «Карпати» маркали мопедларини ўғирлаб кетишган. Болаларнинг оиласи шаронитини ўрганганимизда кўйидагича манзарага дуч келдик. Уларнинг отаси бошқа аёлга уйланиб, онаси бошқа одамга турмушга чиқиб кетган. Болалар тарбиясиз, назоратсиз юриб, жиноят қўчасига кириб қолгандар.

Андижон районидаги Харум қишлоғида яшовчи Азизхон Тўракулова гулдек фарзандлари Бахтиёр ва

Баҳодирларни ташлаб, отарчилар билан пул топиш кўчасига кириб кетди. Қаровсиз қолған болалар ўқимасдан, ишламасдан дуч келган жойда ётиб, дайди яшаб одатландилар. Онанинг бемеҳрлиги, фарзандларнинг қаровсиз қолаётганилиги маҳалла жамоатчилигини, район ички ишлар бўлимини сергаклантириди. Райондаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ва ички ишлар инспекциясининг жонкуярлиги билан болалар сақлаб қолинди. Уларни қўшини Омонхон ая Жўраева ўз тарбиясига олиди.

Асака районида яшовчи фуқаро Қудратилло Алиохонов эса бирор жойда ишла-

масдан, вояга етган Рўзибий Каримов ва Абдуманоб Адҳамовларни жиноят йўлига башлаган. Улар биргаликда Андижон шахридаги 2-мева-сабзавотлар базасига девор ошиб тушиб, у ердан ўттис қоп, жами 2212 сўмлик картошкани ўғирлаб кетишаётганда кўлга тушишиби. Қ. Алиохонов давлат мулкини ўғирлагани ва ўсмирларни жиноят қўчасига етаклагани учун муносиб жазосини олди. Аммо эндиғина ўсиб келаётган болаларнинг ҳаётидан бу воеа қандай из қолдирдийкин?

Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Бу мустақилликни мустақиллаш учун республика меснадидан меҳнат қилиши керак. Бизга энди жиноятчилигарни қарор атади. Ҳар ким оила ҳалқ олдидаги юксак масъулиятини виждан ҳис қилиши керак. Ўз фарзандимизни муносиб киши қилиб тарбиялаш билан биз Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга катта хисса қўшишимизни унутмаслигимиз керак. Бунда ҳуқуқтартибот органлари, ҳокимиёт идоралари ҳам ўсмирларга бўлган эътибордан четда қолдирмаслиги жуда муҳимдир.

Улуғбек БАКИРОВ,
Андижон вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

Ойнаи жаҳонда

ИЮНЬ

15 ДУШАНБА

• УЗТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 1, 2, 3-сериялар. 18.40 Болалар учун. «Бувижоним ўзлари, дуру гавҳар сўзлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бузор иқтисодиёти йўлида», 19.45 «Халқ тароналари». Телефильм. 20.15 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қиласи. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижкорат хабарлари. 21.00 «Ўзбекистон кўйлагай». Жумҳурят ёш хонандаларининг саралов телевизион кўригиги. 21.45 «Сенинг тақдиринг учун». Бадий фильм.

• УЗТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Софва», 19.00 «Ассалому алейкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Миршикорлар». 20.25 «Билиб кўйган яхши». 20.40 «Лаҳза». Хабарлар. 20.50 «Ўйланиш». Бадий фильм.

• ОРБИТА IV

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Чехрасига бир қаранг» рукини остида. «Леллинг кўшиклари». Телефильм. 8.50 «Мушук Базилио ва сичонча Пик». Мультфильм. 9.00 Футбол. Европа чемпионати. Франция — Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.00 Янгиликлар. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемистик». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бу бўлган, бўлганди...» 14.45 «Ўт илдизлари». Телевизион бадий фильм. 2-серия — «Малвина» буви ҳакида баллада. 15.50 «Ешлигимизда ҳавас қилган спортчилар». В. Старшинов. 16.10 Мультфильм. 16.20 «440 герц». Усмирлар учун мусикий кўрсатув. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 Кинолик хроники. 17.55 «Бегона уруш». Афғонистон уруши оқибатлари ҳакида. 18.15 «Бойлар ҳам йигайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Фермат». Ахбороти мусикий кўрсатув. 21.50 «Қорақутти». 22.20 «Илҳом чашмалари». «Еленнинг нафосати» (Мусаввир Е. Романова ҳакида). 22.50 Кўрсатувлар тартиби. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Мусикада шеърият.

• ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишибилармон кишилар даври. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателе...». 8.10 «Деҳқонларга таалуқли масала». 12.55 Янгиликлар. 13.10 Футбол бўйича Европа чемпионати. Швециядан кўрсатилади. 14.20 «Ўт илдизлари». Телевизион бадий фильм. 1-серия — «Брукшварис хоним ҳакида баллада». 15.55 Турли мамлакатларин эртаклари ва афсоналари. «Оилавий низо» (Ўзбекистон). 17.00 Янгиликлар. 17.20 «НЭП». 17.50 Футбол шархи. 18.15 ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ойманинг жазманлари». Бадий фильм (Польша). 19.45 Хайрли тун, кичкинтайлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Янги студияни танишиди: «Вазнат». 20.40 «Спорт ўйн-энди». 21.00 «Янги студия» танишиди. 21.35 Г. Гендель кончершо-грессо. 22.00 Янгиликлар. 22.40 Москва трофи чалиди. 23.00 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — МДХ терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади. 01.05 «Қайрилиб бокишини унтула». Телевизион бадий фильм.

• ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишибилармон кишилар даври. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателе...». 8.10 «Деҳқонларга таалуқли масала». 12.55 Янгиликлар. 13.10 Футбол бўйича Европа чемпионати. Швециядан танишиди: «Сиз яратган боғ». 18.05 «Россия билан юзма-юз». 18.25 Уз шинининг усталари. «Артист хотираси». С. В. Образцов. 19.15 «Бугунги Исрори». 20.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Шотландия — Германия терма командалари. Норчепингдан олиб кўрсатилади. Танафус пайтида — Хабарлар. 22.15 «Бешинчи гидрирак». Бадий-публицистик кўрсатув.

• УЗТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам». 19.30 «Езидам олиш: хоҳи ва имконият». Бевосита мулоқот. 20.30 «Етуклик». Ташкент хореографик билим ўртига ҳакида. 21.40 Реклама. «Кинонигоҳ».

• ОРБИТА IV

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йигайди». Кўп серияли бадий фильм премьераси. 9.05 Футбол. Европа чемпионати. Шотландия — МДХ терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.00 Янгиликлар. 13.25 Кўрсатувлар тартиби. 13.30 «Ишлизарга ким ёрдам беради?». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бу бўлган, бўлганди...» 14.45 «Ўт илдизлари». Телевизион бадий фильм. 1-серия — «Малвина» буви ҳакида баллада. 15.50 «Ешлигимизда ҳавас қилган спортчилар». В. Старшинов. 16.10 Мультфильм. 16.20 «440 герц». Усмирлар учун мусикий кўрсатув. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Сиртмоқда». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Фермат». Ахбороти мусикий кўрсатув. 21.50 «Қорақутти». 22.20 «Илҳом чашмалари». «Еленнинг нафосати» (Мусаввир Е. Романова ҳакида). 22.50 Кўрсатувлар тартиби. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Мусикада шеърият.

Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йигайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 Мультфильмлар. 10.00 «Тарих босқичлари» рукини остида. «Советлар саройи». Илмий-оммабон фильм премьераси (Екатеринбург) киностудияси. 10.20 «Ўй». Кекса авлод анчанлари ҳакида. 10.55 Кўрсатувлар тартиби. 11.00 Янгиликлар. 13.10 «Телемистик». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Шам ёнбиг бўлгунча». Телеочерк. 14.50 «Худди шундай бўлади». Кўп серияли бадий фильм премьераси. 9.05 Футбол. Европа чемпионати. Шотландия — Германия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.00 Янгиликлар. 13.25 Кўрсатувлар тартиби. 13.30 «Коммунизм шарпаси учун допинг». 18.15 «Бойлар ҳам йигайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 «Мавзуз». 19.45 Хайрли тун, кичкинтайлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Сиртмоқда». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Фермат». Ахбороти мусикий кўрсатув. 21.50 «Қорақутти». 22.20 «Илҳом чашмалари». «Еленнинг нафосати» (Мусаввир Е. Романова ҳакида). 22.50 Кўрсатувлар тартиби. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Мусикада шеърият.

• ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишибилармон кишилар даври. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонадоннингиздаги гуллар». 8.05 «Эскулап». 8.20 «Деҳқонларга таалуқли масала». 13.05 Футбол бўйича Европа чемпионати. Голландия — МДХ терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.00 Янгиликлар. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемистик». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Хордик чиқаринг». 14.40 «Ўт илдизлари». Телевизион бадий фильм. 1-серия — «Бруқшварис хоним ҳакида баллада». 15.55 Турли мамлакатларин эртаклари ва афсоналари. «Оилавий низо» (Ўзбекистон). 17.00 Янгиликлар. 17.20 «НЭП». 17.50 Футбол шархи. 18.15 ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ойманинг жазманлари». Бадий фильм (Польша). 19.45 Хайрли тун, кичкинтайлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Янги студияни танишиди: «Вазнат». 20.40 «Спорт ўйн-энди». 21.00 «Янги студия» танишиди. 21.35 Г. Гендель кончершо-грессо. 22.00 Янгиликлар. 22.40 Москва трофи чалиди. 23.00 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — МДХ терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 01.05 «Қайрилиб бокишини унтула». Телевизион бадий фильм.

• ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишибилармон кишилар даври. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонадоннингиздаги гуллар». 8.05 «Эскулап». 8.20 «Деҳқонларга таалуқли масала». 13.05 Футбол бўйича Европа чемпионати. Голландия — МДХ терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.00 Янгиликлар. 13.25 Кўрсатувлар тартиби. 13.30 «Сиртмоқда». Телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 «Мавзуз». 19.45 Хайрли тун, кичкинтайлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Сиртмоқда». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Фермат». Ахбороти мусикий кўрсатув. 21.50 «Қорақутти». 22.20 «Илҳом чашмалари». «Еленнинг нафосати» (Мусаввир Е. Романова ҳакида). 22.50 Кўрсатувлар тартиби. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Мусикада шеърият.

• УЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Муноюот». Фильм-концепт («Ўзбектелефильм»). 8.05 Шоқол учун қопқон». Бадий фильм. 9.25 Ўзбекистондаги иқтидорли болаларнинг биринчи кўргири натижалари. 9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.40 «Муҳофаза». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Петянинг орзуси». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Гулғунчалар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.25 «Қизил майдон». 21.25 «Қизил майдон» таалуқли масала. 13.05 Сиртмоқда. 13.30 «Бизнинг экспертиза». 2-кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.25 «Қизил майдон». 21.55 Сиртмоқда. 22.00 Янгиликлар. 22.25 «Сўнгига юлдози». 22.50 Кўрсатувлар тартиби. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Мусикада шеърият.

• УЗТВ II

17.40 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

• ОРБИТА IV

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йигайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.00 «Кинопанorama». 10.05 «Саёҳат-қарб». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Кутамиз, қайтиб кел...». Телевизион бадий фильм. 14.25 «Ён дафтар». 15.45 «Кичкингипопонинг саргузаштари». Мультфильм. 15.55 Болалар учун. «Гулғунчалар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.25 «Қизил майдон». 21.25 «Қизил майдон» таалуқли масала. 13.15 «Бридж». 13.40 «Бизнес-класс». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Кутамиз, қайтиб кел...». Телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 «Кинопанorama». 19.25 «Саёҳат-қарб». 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Омад». 15.20 «Ҳайвонот оламида». 16.20 «Қизил квадрат». 17.00 «Гулжакон». Мультфильм. 17.10 И. А. Гончаров. «Оддий воқеа» фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Мусикий чолгулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабон фильм премьераси. 3-серия. 8.45 «Қандай килиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 9.00 «Труба радиоси». Дам олиш кўрсатув. 9.30 «Марказ». 10.10 «Сиз бунга қодирлиги». 10.50 «Тиббий сиз учун». 11.30 «Сердаромад жой». 12.20 Мультфильм. 12.30 «Немислар иккинчи майдон». 17.45 Янгиликлар (халқаро ўсмирилар таалуқли масала). 18.00 «Нима? Каерда? Каҷон?». 19.00 Якшанба кинопограммаси. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Эндузду жумғони». Бадий фильм («Мосфильм»). 21.00 «Якунлар». 21.45 «Оби-ҳаёт клуби». Мусикий кўрсатув. 22.30 «Телелоция». 22.45 В. А. Моцарт. 15-симфония. Телевизион бадий фильм премьераси. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Жиголо ва Жиголетта». 24.45 «Дастлабки тергов». Бадий фильм.

• УЗТВ I

17.30 БИШКЕК КЎРСАТАДИ

• ОРБИТА IV

5.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Ишибилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 Кўрсатувлар тартиби. 7.45 «Спорт ҳамма учун». 8.15 «Мусикий чолгулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.15 «Саёҳатчилар клуби». 15.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Хотин ҳушмад килиялар — яхшиликка бўлмас керак». (Франция). 15.10 П. И. Чайковский номли 1 халқаро ўсмирилар таалуқли масала. 15.30 «Уолт Дисней таниширади...». 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Панорама». Ҳафталар. 17.45 Янгиликлар (халқаро кўрсатув). 18.00 «Нима? Каерда? Каҷон?». 19.00 Якшанба кинопограммаси. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Эндузду жумғони». Бадий фильм («Мосфильм»). 21.00 «Якунлар». 21.45 «Оби-ҳаёт клуби». Мусикий кўрсатув. 22.30 «Телелоция». 22.45 В. А. Моцарт. 15-симфония. Соль мажор. «Виртуози Москва». Давлат камер оркестри икро этади. 23.00 Янгиликлар.

Хандылар

— Менга вокзалдан межмонхонагача беш минутлик йўл дейишганди, — деди шаҳарга келган йўловчи такси ҳайдовчисига.

— Биз эса, ярим соатдан кўп юрдик.

— Тўғри, пиёда юрлса беш минутлик йўл. Лекин пиёдалар ўтган жойдан машина ўтолмайди, — деди ҳайдовчи муромбирлик билан.

Корни ниҳоятда очиқсан хўранда айни туш пайти ресторанга кирди ва жойлашиб ўтиргач официантдан сўради:

Манави сизга чой пули. Хўш менга нимани тавсия қиласиз? Официант энгалиб унинг қулогига шивирлади:

— Маслаҳатим шуки, сиз яхши бошқа ресторанга бора қолинг.

Икки дугона қаҳва ичиб, ўзаро сұхбатлашишарди:

— Қаҳва жуда аломат экан-а, дугонажон!

— Бўлмасам-чи! Биласанми, уни хўжайним Бразилиядан олиб келган.

— Койилман! Шунча узоқдан олиб келган бўлса ҳам ҳалиям қайноқина-я!

Уқитувчи: — Биздан ой узоқми ёки Москвами?

Ўқувчи: — Москва узоқ.

Уқитувчи: — Нега бундай дейсан?

Ўқувчи: — Ойни биз ҳар куни кўрамиз. Москвани эса, кўрганимиз йўқ.

Биринчи кун дарсдан келган ўғилдан дадаси сўради.

— Уқитувчинг сенга ёқдими, ўғлим?

— Йўқ.

— Нега ундаи дейсан?

— Чунки ўқитувчимиз ҳеч нарсан-бilmас экан. У ҳамма нарсани

биздан сўраб билиб олмоқда.

Бир олифта йигит кўчада кетаётган қизга шилқимлик қилди:

— Яхши қиз, отингиз Юлдузхон экан, атрофингизда Ер йўлдошидек айланаб юрсан дебдим.

— Юлдузхоннинг умр йўлдоши бор, тўқнашиб, яна портлаб кетманг, — дебди дугонаси.

ИШОНИНГ
КУМИХОН

ШАҲАР тери касалликлари шифохонасининг бош дўхтири Суҳбатулло Тўхлиев марказий шифохона бош дўхтири ўтказган катта йигилишдан қайтиб келган заҳотиёқ ўз кўл остидаги ҳамшира, фаррош-у, ошпазларни тўплаб шошилинч йиғилиш ўтказди.

— Бугун у ёқда бўлган йигилишда асосан бизнинг жамоадаги аҳвол муҳокама қилинди, — деб гап бошлади Суҳбатулло Тўхлиев. — Тозалик, тартиб-интизом, даволаш ишларидан хўжайин жуда норози. Роппа-роса бир соат пўстагимни қўқди. Эрта-индин яна махсус текширувлар жўннатаркан. Элаклаб қайта текширармиш. Олдини олиб қўйишимиз керак.

— Хўжайнининг назарига тушиб

ва порлаб турарди. Бу ҳолатдан Суҳбатулло Тўхлиев бир тамшани олгач, палагда товушда деди:

Кумрихон, сиз бекорга кўйинаяпсиз. Ҳали мен айнан сизни айборд киламан деб айтганимча йўқ-ку, ахир.

Кумрихон яна ўзини босолмади:

— Нима, ўзингиз ғамхўрлик кўрсатиб курортга қўйиб келган бева Шаҳлохонни айборд санаб, орқасидан ҳужжат тайёрламоқчимиз. Еки Кларани айбламоқчимисиз? Еки бош ошпазимиз Ўриной оғани гуноҳкор қилиб, ҳаммамизнинг ризқимизни қиймоқчимисиз! Бечора фаррошларни айбламоқчи бўлсангиз, уларнинг гуноҳлари нима? Ҳар куни ўғлингизнинг суннат тўйи учун боқилаётган иккита сўқимин-

ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин КОЗОҚБОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЬАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (масъул котиб), Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир мувонин), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ҲУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



колган бўлсак, менинг курортга йўлланма сўраб берган аризамни ям худо кўп кўрибди-да, бўлмаса! — Катта ҳамшира Кумрихон чарос кўзларини пирпиратганича бош дўхтирга илтижоли қўқди.

— Менинам озгина ёрдам пули билан уй сўраб берган аризам бор эди-я, — афсусланиб деди фаррош аёл ҳам.

Суҳбатулло Тўхлиев фаррош аёлнинг гапига эътибор ҳам килмасдан, Кумрихоннинг кўзига тик боқишдан ҳайқандек, бошини кўтартмай гапирди:

— Тозалик ва тартиб-интизомнинг издан чиқишига кимнидир айборд топиб, унга нисбатан чора кўрилгани ҳакида акта ўхшаш биронта ҳужжат тайёрлаб қўйишимиз керак.

Кумрихон яна сапчиб ўрнидан туриб, бидирлай кетди:

— Вой, Суҳбатулло ака, ўзингиздун-ўзингиз нималар деяпсиз. Тозалик ва тартиб-интизомнинг издан чиқишига кимнидир айборд қилиш, чора кўрилгани ҳакида ҳужжат тайёрлаб қўйишимиз керак, деганингиз нимаси. Ўйлаб гапиряпсизми ўзи! Хўш, кимни айборд қилмоқчимисиз? Менини? Наҳотки, шундай қилиш ниятингиз бўлса!

Кумрихон охирги гапини жазавадан тушмасдан, ғазабон киёфада айтган бўлса-да, лекин кўзларидан қандайдир айёронга ўйноқи жил-

гизга белаклаб қотган нон-у, ортиқча овқатларни ташиб бераётганидами! Еки, яна...

Суҳбатулло Тўхлиевнинг гапирша ҳам, ўрнидан кўзғолишга ҳам мажоли қолмаган, зил-замбил бўлиб ўриндиқка чўкиб кетганди. У пиёладаги совуқ чойдан бир-икки хўпплаб, танглайига ёпишиб қолган тилини сал ҳаракатга келтириб олгач, ўз-ўзига гапираётгандек ғулдуради:

— Унчалик бўлса, сиз айтинг ўз фикрингизни, биз эшитайлик. Балким, сизнинг фикрингиз ҳаммамизга маъқул тушар.

— Топдим! — деди кўзлари чақнаб Кумрихон. — Ҳалиги олтинчи палатадаги индамас, бўшанг, саксон тўртга кирган чол бор-ку, ана ўша чолни тозалик ва тартиб-интизомнинг издан чиқишига айборд деб акт тузиб қўямиз, гап татом вассалом!

Кумрихоннинг бу фикрини ҳамма қарсак чалиб маъқуллади. Юзи ёришган Суҳбатулло Тўхлиев Кумрихонга юзланиб, ички бир ўйчанилик билан синиқ товушда деди:

— Майли, таваккал, Кумрихон, ўзингиз қоғоз, қалам олиб ёзингчи. Сарлавҳа қўйинг: «Акт. «А» ҳарфини катта қилиб, бош ҳарф билан ёзинг. Дарвоқе, «Акт» сўзи бош ҳарф билан ёзилармиди ўзи?

Нормамат TOFA.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир мувонин — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибият — 56-87-59

БЎЛИМЛАР:

● Касаба ўюшмаси ва иктиносидий хаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва конунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табият — 56-82-79

● Ҳатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78

● Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74

● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари — 56-85-79

ВИЛОЯТЛАРАРО МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 54697; Гулистанда — 21002; Самарқандда — 351130; Ургенчда — 68782; Қаршида — 53670.

● Муҳарририятга келган кўлжизмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Маколалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва ракамлар масъулнинг муаллифлар зинмасидайди.

● Газета 1991 йил 21 марта сана бошлилаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январи куни Узбекистон Республикаси матбуот давлат кўмисатида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилгани.



Сотувдаги нархи 2 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиши учун 1992 йил 12 июня топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Акмал Акромов, Алишер Ҳакимов.

● КЎНИМГОХИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-йи.

Буюртма № Г-208

● 138610 нусхада босилди

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернини босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ИШОНИНГ, СИЗ-СЕҲРГАРСИЗ!

Мehr — кўзда, сеҳр — сўзда, деганларидек, сиз аъзои-баданингиздаги ҳар бир ҳужрайнгиздан тортиб 72 томири 4 мучангила гача кони сеҳрларни биласизми? Ҳадисларда: «Инналлоҳи таоло ҳалақ ал ҳалойиқа биҳикматин — Албатта Аллоҳу таоло одамларни ҳикмат билан яратди» деганларидай ишонинг, сиз сеҳргарсиз.

Бордию сиз Навоий ҳазратлари:

«Хунарни асрарон нетгундур охир, деб битганларидай, шу илоҳий сеҳрингизни кемтик кўнгилларни бутлашга бағишилайман, десангиз, жаҳон табиблар ҳамдустлиги тизимидағи ҳалиқ табиблари пулли ўқувига мурожаат қилинг.

Ўқув дастурда даволаш, биоэнергия тўплаш, сеҳрлаш, фолбинликнинг самарали усусларини ўргатиш кўзда тутилган. Сизга шу соҳанинг дунёга танилган мумтоз устоzlари дарс берадилар.

Тингловчилар керакли адабиётларни сотиб олишлари, оламнинг тикланиши тамоили билан танишишлари, ассоциацияга аъзо бўлишлари мумкин.

Битигурувчиларга ҳалкаро намунаидаги диплом берилади.

Маълумот учун телефонлар: 67-93-07, 67-93-80, 67-92-61, 56-75-91.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Луначарский шоҳкӯчаси, 115-йи, «Саёҳат» мәдмонхонаси.

Биринчи учрашув 21 июнь соат 18.00 да.



Тошкент оқшоми...